## Меҳнат коллективи кенгашлари: ҳуқуқлар ва вазифалар

# ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ

### *ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ*

«СОЦИАЛИЗМ — ТАШАББУСКОР КИШИЛАР ЖАМИЯТИДИР. СОЦИАЛИЗМНИНГ ЎЗИ ҲАМ ТАРИХНИНГ БУЮК ТАШАББУСИДИР. ХУЛЛАС, ТАШАББУС ТЎСҚИНЛИК, ҲАЁТИЙ НОҚУЛАЙЛИК, КАМПАНИЯ ЭМАС, БАЛКИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СЎЗСИЗ, МУҲИМ ШАРТИДИР».

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Демократия ва ошкоралик шароитида ташаббуслар учун кенг шароитлар вужудга келтирилмоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун кучга киришидан анча илгари кўпчилик корхоналарда меҳнат коллективлари кенгашларининг вужудга келиши шу оммавий ташаббускорликнинг кўринишларидан бири бўлди.

Шошилинч вужудга келган бу ташаббус айрим салбий оқибатлардан ҳам холи бўлмади. Қатор корхоналарда меҳнат коллективлари кенгаши (МКК) состави анча катта бўлди. Кўпчилик коллективлардан биринчи раҳбарлар кенгаш раислари қилиб сайланди. Лекин, шунга қарамай барвақт тузилган кенгашлар янги фаолият соҳасида муайян ютуқларга эришдилар.

Масалан, «Узбекрезинотехника» бирлашмаси меҳнат коллективи кенгаши корхонанинг ҳуқуқларини чекловчи қандайдир инструкциядан қатъий назар (агар у бирор буюмни ягона тайёрловчиси ҳисобланса), шартнома мажбуриятларини бажармаётган буюртмачилар билан тузилган шартномани бекор қилишга қарор қилди. Ишчилар аҳволни яхшилашгача бўлган давр мобайнида тариф ставкасининг 50 процентини олишга рози бўлдилар. Бу осонлик билан қабул қилинган қарор эмаслиги ҳамма учун тушунарли бўлса керак. Унда юксак онглилик ва принципиаллилик, қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни тўла зиммага олишга бўлган тайёргарлик ўз аксини топди. Бирлашма директори ва касаба союз комитети, агар фақат ўзларининг ҳуқуқларига таянадиган бўлсалар, бундай қадамни қўяолмас эдилар.

Яна бир мисол келтирамиз. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат коллективи кенгаши СССР Электротехника саноати министрлиги томонидан корхона учун берилган оширилган, зарур капитал маблағлар билан таъминланмаган планни қабул қилишдан бош тортди ва давлат буюртмасининг юз процент бажарилишини таъминловчи ўз планини тасдиқлади.

Афсуски, бундай мисоллар бир-иккитагинадир, холос. Афтидан ўзини ўзи бошқаришнинг демократик принципларини ўзида қўлланишга бўлган интилиш дастлаб актив бошланган бўлса ҳам кейинчалик у сусайибгина қолмай, ҳамон кутилганидек намоён бўлмаяпти.

Шундай аҳвол меҳнат коллективлари кенгашлари, касаба союз комитетлари раисларини ва қатор корхоналар раҳбарларини етилган муаммони биргаликда муҳокама қилиш учун давра суҳбатига таклиф этиш фикрини вужудга келтирди.

Шуни тан олиш керакки, давра суҳбатини уюштирувчилар — Тошкент область касаба союзлари Совети ва «Тошкент ҳақиқати» ҳамда «Ташкентская правда» газеталарининг редакциялари меҳмонларнинг бунчалик кўп келишини кутмаган эдилар. Фикр алмашишни, етилган масалалар ҳақида мулоҳазалар билдиришни истаганлар таклиф қилинганлардан шу қадар кўп эдики, уларни каттагина мажлислар залига сиғдириш қийин бўлди.

Область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов давра суҳбатини қисқача кириш сўзи билан очгандан сўнг, асосан уч масала юзасидан мунозара қизғин бошланиб кетди. Меҳнат коллективи кенгашининг раиси ким бўлиши керак, МКК билан касаба союз комитетларининг ҳамкорлиги ва энг муҳими кенгаш шуғулланиши зарур бўлган масалалар доираси қандай бўлиши керак? Шу масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди.

Биз кенгаш қатнашчиларининг нутқларини стенографик аниқлик билан ёзишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўймадик. Бу ҳисобот бугунги кунда кўпчиликни тўлқинлантираётган масалаларни фақат тушунишга бўлган уринишидир.

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида МКК раиси ким бўлиши керак, деган масала осонликча ҳал қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, электр слесари, коллективда катта обрў топган А. Логачев раис қилиб сайланди. У ҳозирги вақтда ҳам МКК га бошчилик қилмоқда. А. Логачев шу лавозимга иккинчи бор сайланганини учун ҳам шуни таъкидламоқчимиз. Ҳамма гап шундаки, бирлашмада МКК қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик эндигина турмушимизга кириб келаётган 1986 йилнинг декабрида сайланган эди. Ўша вақтдаёқ коллективда структура бўлинмаларидан МКК га қанчалик кўп вакиллар кирса, ўзини ўзи бошқаришнинг демократик принципларига шунчалик тўла риоя қилинган бўлади, деган тушунча ҳукм сурарди. Шу сабабли ҳам МККга 128 нафар киши сайланди.

Бироқ озгина вақт ўтиши билан бу қарорнинг нотўғрилиги маълум бўлиб қолди. Чунки кўп кишилик кенгашнинг ўзи қайта қурилишга ўзига хос тўсиқ бўла бошлади. Натижада МККни қайта сайлаш учун яна конференция чақиришга тўғри келди. Эндиликда унинг составида 43 киши бор.

А. ЛОГАЧЕВ: — Ҳозирги вақтда масалаларни анча енгил ҳал қиладиган бўлиб қолдик. Чунки қарорни президиум қабул қилади, лекин у кейинчалик бирлашма кенгашида тасдиқланади. МКК ва касаба союз комитети ишида бир-бирини такрорлаш йўқ. Биз ВЦСПСнинг II Пленуми тавсия этганидек, яқин ҳамкорликда ҳаракат қилаяпмиз.

«Ирмонтажспецстрой» трести ихтисослашган ишга тушириш-созлаш бошқармаси бошлиғи, МКК раиси Б. ХАЛАФЬЯНЦ бунга тамомила қарши фикр билан чиқди. У МКК раиси албатта биринчи раҳбар бўлиши керак, деди. Чунки корхона раҳбари коллективнинг техникавий, шунингдек иқтисодий муаммоларини ҳам билимдонлик билан ҳал қилиши мумкин. Тўла хўжалик ҳисоби, коллектив пудрати ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш, бунинг устига бизнинг иқтисодий жиҳатдан етарли маълумотга эга бўлмаганимиз шароитларида қабул қилинаётган қарорлар масъулияти юкини бу масалаларда етарли тушунчага эга бўлмаган ишчининг зиммасига юклаб қўйиш мумкин эмас. Шундай қилинса ўзини ўзи бошқариш ғояси олдиндан муваффақиятсизликка учраши мумкин.

**Залдан луқма:** — Ўзингиз МКК составидасиз, ҳамма билан биргаликда барча масалаларни ҳал қиласиз. Агар ишчи нимададир янглишса унга тушунтиришингиз керак.

Б. ХАЛАФЬЯНЦ: — Биз бутун республика территориясида ишлаймиз. МККда 50 киши бор. Уларни ҳаммасини бирга тўплаш осон эмас, ҳаммасига ҳам тушунтиришнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун расмий раҳбарни норасмий раҳбарга айлантириш ёки аксинча қилиш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблайман.

— Масаланинг бундай қўйилишига рози эмасман, — баҳсга аралашди электр техника заводи МКК раиси, созловчи А. Умаров. — Ҳозирги ишчилар аввалгиларига ўхшамайди, улар ишлаб чиқариш ва социал муаммоларини яхши тушунадилар. Масалан, бизда МКК аъзоларининг 75 процентини ишчилар ташкил этади ва улар ўз вазифаларини яхши уддаламоқдалар.

Давра суҳбати қатнашчилари фикр-мулоҳазаларининг айрим қисминигина келтирдик. Шунинг ўзи ҳам газетхонда мунозара қизғин, тортишувлар кучли бўлганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади. У ёки бу томон тарафдорлари ниҳоят бир фикрга келдилар. МКК бошида ким туриши — у ишчи, бригадир ёки раҳбар бўлиши муҳим эмас. Энг муҳими бу киши билимдон, ташаббускор ва принципиал бўлиши керак.

Мунозара давомида яна бир муҳим фикр шаклланди. Уни Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети секретари А. РУДЕНКО умумий тарзда ифодалаб берди. Ўз ўзини бошқаришнинг демократик органига сайланган ишчилар бу ерда ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқаришнинг янги шароитларида ўз коллективлари иши билан боғлиқ бўлган муҳим ҳаётий вазифаларни ҳал қилишга масъулият билан муносабатда бўлиш кўникмаларини ўрганадилар, ўзлари актив раҳбар бўлиб қолади. Мунозара иштирокчилари чиқарган энг асосий хулоса шу бўлди, дейиш мумкин.

МКК қандай ишлар билан шуғулланиши, касаба союз комитети ва маъмурият қандай ишлар билан шуғулланишлари кераклиги мавзусидаги мунозара ҳам анча жонли ўтди.

Кишилар қанча бўлса фикрлар ҳам шунча бўлади, деб ҳақли равишда айтадилар. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунда МККларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилгандек туюлади. Яна нима ҳақида баҳслашиш мумкин? Бироқ ҳар ким қонунни ўз билганича шарҳлайди.

Ю. ГРИНЦОВ — токарь, «Миконд» заводи МККси раиси кенгашларнинг яна қандайдир ҳуқуқий гарантиялари бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Масалан, МКК раиси кенгашни тўпламасдан туриб қандайдир бир масалани мустақил ҳал қила оладими? Бу бироз тушунарсиздир. Ёки агар директор меҳнат коллективи кенгаши қарорига кўнмаса нима қилиш керак?

Л. ШАПШАЙ: — Қўйлиқдаги экспериментал темир-бетон конструкциялари заводи бош энергетигининг ўринбосари, МКК раисининг ўринбосари кенгаш барча масалалар билан шуғулланиши ва агар корхонада ҳатто сантехника қурилмалари бузилиб қолса шу ҳақда ҳам МКК қайғуриши керакми? деган муаммони ўртага ташлади.

Ўзбекистон металлургия заводи кенгаши раиси Э. РАҲМАТОВ МКК ва касаба союз комитетлари ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирар экан, ҳар бир касаба союз аъзоси коллективнинг бошқа ҳар қандай аъзоси каби МКК қарорларига бўйсуниши керак, деди. Бу фикрни нефть ва газ саноати ишчилари касаба союзи область комитети раиси Ш. ИБРОҲИМОВА инкор этиб, шундай деди: МКК аъзолари касаба союз аъзолари бўлганлари учун касаба союз йиғилишларининг қарорларини бажаришлари шарт.

Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни эркин шарҳлаш шундан далолат берадики, биринчидан, айрим кенгашлар раҳбарлари уни суст биладилар ва иккинчидан, ўз фаолияти доираси билан ишлаб чиқариш ҳаёти ва социал соҳанинг барча масалаларини қамраб олишга интилиб, маъмурият ва касаба союз комитетига фақат юридик ҳужжатларни расмийлаштириш ҳуқуқини қолдиришга интиладилар.

Ҳа, қонун кенгаш раиси қилиб кимни сайлаш мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаб бермаган. Бироқ, кенгаш шуғулланиши лозим бўлган масалалар доирасига келганда шуни айтиш керакки, бу масалада икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Бу муҳим ишда ўзбилармонлик фақат зарар келтириши мумкин.

Тажриба шуни кўрсатдики, кўпчилик МККлар президиум сайлайдилар. Оператив масалаларни кўриб чиқувчи ишчан органлар сифатида президиумларни ва ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш вазифаси ҳисобланган секретариатларни сайлайдилар. Бу билан келишиш ёки келишмаслик мумкин.

Энг муҳими шундаки, меҳнат коллективи кенгаши социалистик ўзини-ўзи бошқаришнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, коллективни социал ривожлантиришнинг туб масалаларини кўриб чиқувчи ҳақиқий таъсирчан органи бўлиб қолдими? Шундай қилмасак, у ҳам қандайдир қўшимча назорат органига айланади. Оқибатда у майдачуйда жорий ишларга «кўмилиб» қолади.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ташкилий ишлар бўлимининг мудири Э. БРУДОВ бу масала бўйича нутқларни умумлаштириб, умумий фикрни ифодалади: МККнинг кўпчилик аъзоларига, шунингдек яқинда касаба союз комитетларига сайланган ходимларга сайланадиган органларда ишлаш тажрибаси етишмайди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети махсус программа ишлаб чиқди, шу программага мувофиқ МКК ва касаба союз комитетлари раислари область ва республикалараро касаба союз курсларида ўқитилади.

Давра суҳбати ҳақида қандай хулосага келинди. Мунозаралар қатор корхоналарда ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик принциплари ҳозирдаёқ сезиларли натижалар бераётганлигини кўрсатди. Айни вақтда кўпчилик МККлар ҳали ҳам суст ишламоқдалар, қайта қуришда ўз ўринларини топганларича йўқ. Меҳнат коллективи кенгаши мажлисларига масалалар тайёрлашга совет аъзолари бўлган ишчилар кам жалб қилинади. Айрим МКК фаолиятида қабул қилинган қарорлар ва меҳнаткашлар таклифларининг бажарилиши тўғрисида ошкоралик етишмаяпти. Бу кенгашларнинг инсон омилини активлаштиришнинг қудратли воситаси сифатидаги имкониятларидан тўла фойдаланишга йўл қўймаяпти.

Корхоналар ва ташкилотларнинг касаба союз комитетлари ҳали ҳам меҳнат коллективлари кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйганлари йўқ. Ваҳоланки, ВЦСПС II пленумининг қарорида бу алоҳида таъкидланган эди. МККнинг маъмурият учун мажбурий бўлган қарорлари обрўсига суянган ҳолда касаба союз комитетлари бундай кенгашлар мажлисига меҳнаткашлар учун ҳаётий муҳим бўлган социал характердаги масалаларни қўйишда ташаббус кўрсатишлари, зарур материаллар ва қарорлар лойиҳасини тайёрлашда бевосита қатнашишлари керак.

Бу ерда сўз касаба союз комитетлари ва МКК ўртасида қатъий регламент ва вазифалар бўлиб олиниши тўғрисида бораётгани йўқ. Аксинча, уларнинг куч-ғайратини муштарак мақсадларга эришиш учун бирлаштириш ҳақида бормоқда. Корхоналарнинг партия ташкилотлари шундай ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда ёрдам беришлари зарур.

**Тошкент область касаба союзлари Совети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакциялари меҳнат коллективлари кенгашлари социалистик ўз-ўзини бошқарувнинг органлари сифатида тезроқ оёққа туриши муҳимлигини ҳисобга олиб, МККлар фаолияти тажрибаси бўйича навбатдаги кенгашни шу йилнинг июнь-июль ойларида ўтказишга қарор қилдилар.**



✦ **Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг кўн-галантерея фабрикаси коллективи бу йил камида 6 миллион сўмлик кенг истеъмол товарлар ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Шу кунларда корхонанинг барча бўлинмаларида зарбдор меҳнат ҳукм сураяпти. Илғор ишчилардан М. Ғаниев (чапдан) М. Тошмуҳамедова, М. Расулова, З. Рустамоваларнинг кундалик иш кўрсаткичлари 115—120 процентни ташкил этмоқда.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

*Ишчи ҳамкасби ҳақида*

## ЖОНКУЯР НОВАТОР

«ЧИРЧИКЖИЛСТРОЙ» қурилиш бошқармаси ремонтчи-слесарлар бригадаси бошлиғи Владимир Шмаудер коллективнинг тиниб-тинчимас аъзоларидан. У етакчилигидаги бригада экскаватор, бульдозер, трактор ва бошқа қурилиш механизмларини ремонт қилади. Механизмларнинг тез ва соз тузатилишини таъминлаш учун эса етарли эҳтиёт қисмлар бўлиши керак.

В. Шмаудер уларнинг ҳар бир тури, айни дақиқада керак ё нокераклигидан қатъий назар ҳамиша тайёр туришига эришади. Ахир қурилиш суръати муайян даражада эҳтиёт қисмларнинг етарли бўлишига ҳам боғлиқ. Арзимаган деталнинг етишмаслиги бутун бир бошли қудратли агрегатнинг соатлаб, ҳатто кунлаб тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин. Бу эса қурилиш ишларини ҳам орқага суради.

Владимир Егоровичнинг кўп йиллик иш тажрибаси ўз вазифаси ҳақида ана шундай кенг фикрлашга ўргатди. У бошқармага бундан 27 йил илгари слесарь бўлиб ишга келган эди. Ўша пайтларда механика бўлимида талай етишмовчиликлар бўларди. Қўл остларида бўлмаган асбоб ва деталларни слесарлар ўзлари ясашарди. Кўп ишлашга тўғри келарди. Владимир Егорович чарчаш нималигини билмасди. Нимаики ўрганса, кашф қилса тезроқ ҳамкасблари билан ўртоқлашишга шошарди. Корхонада Коммунистик меҳнат зарбдори слесарлар В. Шалгин, Я. Зиль ва электр-газ пайвандчи А. Шаповаленко каби илғор ремонтчилар қатори уни ҳам эски гвардиячи деб аташади. Улар ҳозир ҳам фидокорона меҳнатлари билан коллектив муваффақиятига салмоқли улуш қўшиб келишмоқда. Моҳир слесарь ўзининг техник ижодкорлиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Йигирма етти йилда Владимир Шмаудернинг 50 дан ортиқ рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ана шу таклифлар туфайли коллективда меҳнат унумдорлиги ошди, ресурслардан оқилона фойдаланила бошланди. Шунинг учун ҳам ветеран ишчининг портрети бошқарма ҳурмат тахтасидан тушмай келаяпти.

**И. ЗИМИН,**
**меҳнат ветерани.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

## Социал масалалар бўлими почтасидан: расмий жавоблар ва шарҳ

### «ТАЪМИНОТ ЁМОН, ОНАЛАР НОРОЗИ»

**3 ЯНВАРЬ, 1988 ЙИЛ.**

ШУ сарлавҳали рейд мақолада Тошкентда ёш болалар учун сут маҳсулотларининг танқислиги, бу маҳсулотларни реализация қиладиган пунктларнинг бир-биридан узоқ жойлашганлиги танқид қилинган эди.

Тошкентда айни вақтда 3 та — С. Раҳимов районида, 14-болалар касалхонаси ҳамда педиатрия институти ҳузурида сут маҳсулотлари тайёрлайдиган ошхоналар мавжуд. Бироқ, бу ошхоналар камқувватли, кунига бир ярим минг порция маҳсулот ишлаб чиқаради, дейилади **шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. М. ИУЛДОШЕВА**нинг редакцияга йўллаган жавобида. Шаҳардаги бир ёшгача бўлган гўдакларга ҳар куни етарли миқдорда сут-қатиқ маҳсулотлари керак.

Шаҳардаги мавжуд 28 та болалар поликлиникасидан учтасигина талабга жавоб беради. Барча поликлиникаларда тарқатиш пунктлари бўлиб, улар санитария нормаларига жавоб бермайди, хоналар тор, маҳсулотни сотишга ва сақлашга шароит йўқ. Аҳолининг маълум қисми учун бу пунктларнинг узоқлиги сезилмоқда. Гўдакларнинг сут-қатиқ маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида Куйбишев ва Чилонзор районларида эксперимент жорий этилди: бу районларда болаларнинг сут-қатиқ маҳсулотлари «Ташгосснабторг»нинг магазинлари орқали реализация қилинади. Маҳсулот врачларнинг рецептлари бўйича соат 8 дан 15 гача сотилади.

Шунингдек, «Таъминот ёмон, оналар норози» мақоласи **С. Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлими**нинг йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. 4-поликлиника ишидаги камчиликларга йўл қўйган айбдорлар жазоланди.

ШУ мақола юзасидан **шаҳар ижроия комитетининг савдо Бош бошқармасидан олинган жавобда** ҳам поликлиникаларга қарашли пунктларда болаларни сут маҳсулотлари билан таъминлашдаги камчиликлар ўз вақтида ва ҳаққоний очиб ташланганлиги айтилади. Шаҳар ижрокомининг шу йил 19 февралда чиқарган 81/5 қарори билан март ойидан бошлаб Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган болалар маҳсулотлари район санитария-эпидемиология ва соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси билан келишилган ҳолда шаҳарнинг барча районларида чакана савдо тармоқларида сотилади.

### ТАНҚИД ВА ТАКЛИФ

**20 ЯНВАРЬ, 1988 ЙИЛ.**

ЮҚОРИДАГИ сарлавҳа остида эълон қилинган хабарда «Олой бозори — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Киров участкаси оралиғида қатновчи 167 маршрутли автобуслар ишидаги камчиликлар ва таклифлар қайд қилинган эди. **«Ташпассавтотранс» Бош бошқармасидан** келган жавобда мақола 3-автобус парки раҳбарлари иштирокида муҳокама қилингани айтилади. Шу кунларда бу маршрутга қўшимча автобуслар қўйилди. 1987 йилда область ГАИсининг тавсияси билан йўл ҳаракат қисмининг торлиги ҳамда сифатсизлиги натижасида бу маршрутда қатновчи «ЛАЗ-695» автобуслари «ПАЗ-672» кичик автобусларга алмаштирилган. Айни вақтда ҳайдовчиларга «Маданият» колхози бекатида тўхтаб ўтиш қайта уқтирилди. 167-маршрутнинг иши 3-автопаркнинг эксплуатация бўлими томонидан назоратга олинди.

### «ЖАЗО ЎРНИГА МУРОСА»

**16 ФЕВРАЛЬ, 1988 ЙИЛ.**

Мақола **Бекобод район матлубот жамияти правленияси ва матлубот кооперацияси ходимлари район касаба союз комитетининг** кенгайтирилган қўшма йиғилишида район умумий овқатланиш ва савдо ташкилотларининг ходимлари иштирокида муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди.

Йиғилиш қарорида область савдо инспекциясининг текшириш натижалари ўз вақтида муҳокама қилинганлиги, лекин жавоби ўз вақтида жўнатилмаганлиги қайд этилди. Айбдор кишиларга нисбатан чоралар кўрилди.

### «ДАРДИМГА ДАВО ИЗЛАБ»

**3 ДЕКАБРЬ, 1987 ЙИЛ.**

«ДАРДИМГА даво излаб...» мақоласи бўйича **Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги даволаш-профилактик ёрдам бош бошқармасининг комиссияси текшириш ўтказди,** — дейилади **бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари Р. СУЛТОНОВ**нинг редакцияга йўллаган жавобида. Текширишда шу нарса аниқландики, ҳақиқатан ҳам Янгийўл район марказий касалхонаси ҳамда «Коммунизм» колхозидаги даволаш муассасалари врачлари Т. Тўленбоев ва М. Низомовлар бемор Т. Элчибековга етарли эътибор беришмаган. Беморнинг ўша пайтда чап буйрагида сил касаллиги жараёни хавфи бор эди.

1987 йилнинг 12 февралида 1-республика клиник касалхонасининг поликлиника бўлинмасида беморнинг чап буйрагида сил касаллиги аломати борлиги тахмин қилинган. Врачларнинг назоратидан кейин қўшимча махсус текширишлар ўтказилиши таъкидланган эди. Орадан уч ярим ой ўтгач беморнинг аҳволи яна оғирлашади ва у қишлоқ участка касалхонасига мурожаат қилади. Бу ерда эса у врачлардан 1-республика клиник касалхонасининг текшириш натижаларини яширади, бу эса беморнинг диагнозини аниқлашни қийинлаштиради.

Сил касаллари илмий текшириш институтининг клиникасида врачлар Р. Илёсов, О. Каримов, А. Абдумўминовлар беморни текширишдан ўтказишни асоссиз чўзиб юборадилар, уни эътибордан четда қолдирадилар.

Комиссия текшириш натижаси бўйича бемор Т. Элчибековнинг чап буйраги сил касаллиги этиологияси билан оғир жароҳатланган деган хулосага келди. Бемор 1-республика клиник касалхонасининг текшириш натижаларини узоқ вақт яширганлиги ҳамда ўз вақтида ихтисослаштирилган медицина муассасаларида даволанмаганлиги оқибатида чап буйрак ва буйрак атрофининг йиринглашига, бу йирингнинг муттасил оқиб туришига олиб келган.

Текшириш натижалари бўйича бемор даволанган барча медицина муассасаларида клиник муҳокамалар ўтказилди.

Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган врачлар маъмурий жазоланганлар.

### «ҚАБУЛ БЎЛИМИДАГИ ФОЖИА»

**16 ЯНВАРЬ, 1988 ЙИЛ**

Мақолада келтирилган фактлар бўйича комиссия текшириш ўтказди, дейилади **Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан Р. СУЛТОНОВ** имзоси билан келган бу иккинчи жавобда. Текширишда поликлиника врачи Л. Қосимова, қабул бўлими врачи Н. Шегай ва реаниматолог врач Э. Мамаевларнинг ишга совуққонлик билан қараганликлари, беморнинг аҳволига етарли баҳо бермаганликлари ҳамда диагностик хатога йўл қўйганликлари аниқланди. Бемор К. Асрорқуловга ўз вақтида малакали медицина ёрдами кўрсатилмаган, реанимацион тадбир кечикиб ўтказилганлиги оқибатида бемор кенг миокард инфаркт касаллигидан ўлган. К. Асрорқуловнинг ўлими воқеаси клиник паталоанатомик конференцияда муҳокама қилинди. Беморни касалхонага ётқизишни асоссиз рад этганлиги ҳамда уни текширишда ва даволашда йўл қўйган камчиликлари учун врачлар Л. Қосимова, Н. Шегай, Э. Мамаевлар Бўка район марказий касалхонасининг бош врачи томонидан 1987 йил 29 сентябрдаги 186-буйруғи билан маъмурий жазоланганлар.

Бемор К. Асрорқулов ўлими билан боғлиқ воқеа материаллари Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими томонидан 1987 йил 7 декабрда Бўка район прокуратурасига ҳавола қилинган.

Районда врачларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 1987 йилнинг декабрь ойида ходимларнинг эгаллаб турган вазифасига лаёқатлилигини аниқлаш бўйича аттестациядан ўтказилди. 1988 йилнинг январь ойида Н. Шегай терапия бўйича малакасини оширишга юборилди. «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган мақолада келтирилган фактларни текшириш натижалари Бўка район марказий касалхонаси коллективида муҳокама қилинди.

Область соғлиқни сақлаш бўлимида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юз бераётган ҳар бир салбий ҳолат ошкоралик билан муҳокама қилинмоқда.

Ҳар бир шаҳар ва районда мутахассислар бригадаси соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базаси аҳволи билан танишиб чиқди. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни замонавий аппарат, ускуналар билан таъминлаш тадбирлари белгиланди. Текшириш натижалари бўйича коллективларда ишлаб чиқариш йиғилишлари ўтказилди. Ана шу йиғилишларда аҳолига медицина хизмати кўрсатишдаги жиддий камчиликлар, коллектив ўртасида тарбиявий ишларни ҳамда касалхоналарда даволанувчилар режимини кучайтириш, медицина хизмати кўрсатишда илғор усуллардан фойдаланиш кўрсатиб ўтилди, дейилади жавобда.

**РЕДАКЦИЯДАН: Юқоридагиларни ўқиган газетхонлар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг жавобидан қониқмаган бўлишлари табиий. Бошқа барча катта-кичик мақолалар бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган, айбдорлар жазоланган, бироқ, ҳаммани ларзага солган, шифокорларнинг лоқайдлиги ва малакасизлиги туфайли ўлиб кетган инсон ҳақидаги мақолаларга министрлик жуда юзаки муносабат билдирганлиги кўриниб турибди.**

**«Дардимга даво излаб...» мақоласида бемор (ҳозир марҳум) Элчибековга диагноз қўйиш ва даволашда малакасизлик қилган ва хатоларга йўл қўйган врачлар ҳақида ёзилган эди. Бу мақола бўйича келган ва эълон қилинган мактубларда ўнлаб газетхонлар ана шундай лоқайд шифокорларни қаттиқ жазолашни талаб қилишган. Министрлик жавобидан эса биз фақат улар «маъмурий жазоланган»лигини билдик, холос. Бу — газетани «тинчлантириш» учунгина ёзилган шунчаки жавоб. Акс ҳолда «маъмурий жазо»нинг қайси тури кимларга берилганлиги лоақал аниқроқ кўрсатилган бўларди.**

**«Қабул бўлимидаги фожиа» мақоласига юборилган жавобдан ҳам таажжубландик, ҳам афсусландик. Чунки, унинг тўқсон фоизи мақоладаги факт ва воқеаларни такрорлашдан иборат. Жамоатчиликни эса кўрилган аниқ чоралар ва бундан буён бундай хунук воқеаларнинг олдини олиш учун нималар қилинаётганлиги қизиқтиради. Қолаверса, масъулиятсизлиги, малакасизлиги «қимматга тушаётган» шифокорларга муросасиз бўлмоқ керак. Ахир худди ана шундай лоқайдлик ва малакасизлик туфайли бир бемор 50 ёшга бормай ўлиб кетибди-ю, министрлик айбдор врачларга нисбатан район марказий касалхонаси ва область соғлиқни сақлаш бўлими қўллаган чоралар билан кифояланибди. Ваҳоланки, бу «чоралар» ҳақида редакция илгарироқ жавоб олган, министрлик орқали такрорлашнинг ҳожати йўқ эди. Чунки, редакция жавоблар юзаки бўлганлиги учун министрликка ҳавола қилган. Наҳотки министрлик бир беморнинг ўлимида айбдор бўлган врачни малака ошириш учун юборишни жазо деб тушунса?!**

**Ана шу саволлар афсуски ҳозирча жавобсиз қолди.**

